

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Давлат ва хусусий секторда маъмурий қўллаб-қувватлаш

соҳаси бўйича

Малакалар

1-модул: Ўзбекистонда давлат ва бизнес ўртасидаги
муносабатлар

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96430 9

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш	1
1-модул: Ўзбекистонда давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	17
Дарс режаси	35

Кириш

Ушбу ресурс ўқув-услубий материали Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларида маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс ўқув-услубий материали сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу ўқув-услубий материал сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, ўқув-услубий материал сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ўқув-услубий материал сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари

Ушбу ресурс ўқув-услубий материалидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур ўқув-услубий материалдаги ўқитиш бўйича қўлланма сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

1-модул: Ўзбекистонда давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модул бошқа барча модулларни тушуниш учун базавий билимларни тақдим этади. У ўқувчилардан мустақил ёндашувни, яъни улар ўз тадқиқотларига нисбатан маълумотни мустақил ёки гуруҳнинг бошқа аъзолари билан бирга тадқиқ қилаётган олимлар сифатида ёндашишларини талаб қилади. Модул ҳукумат веб-сайтларини тадқиқ қилишни ва Ўзбекистонда активларини жойлаштириш масаласини кўриб чиқиши мумкин бўлган халқаро компаниялар тўғрисидаги маълумотларни излашни ўз ичига олади.

Сизнинг вазифангиз ўқувчиларга модулдаги учта асосий ўқитиш мақсадларидан ҳар бири билан боғлиқ бўлган таянч маълумотни ажратишга йўналтирилган тегишли бошланғич маълумотларга ва уларни синфдаги тақдимотига тайёргарликка ёрдам бериш ва маслаҳат беришдан иборат бўлади.

Ўқувчилар ўзларининг тадқиқотлари натижалари тўғрисида презентацияни тақдим этишлари лозим бўлиб, ушбу тақдимот асосида синфда давлат ва хусусий секторидаги ташкилотларнинг биргаликдаги ишлашига таъсир этадиган баъзи долзарб муаммоларнинг муҳокамаси бўлиб ўтади.

1-расм. Қуйида сиз ўқувчилар учун турли топшириқлардан фойдаланиб ушбу модулнинг ўқилишига қандай ёндашишингиз шарҳи келтирилган.



1-расм: Ўқувчининг йўли

Ўзбекистонда ўқиётган ва ишлаётган ёшлар, давлат бошқарувини тушунишлари даражасидан қатъий назар, ўзларининг маҳаллий ҳамжамиятларида ва умуман мамлакатда бўлиб ўтаётган динамик ўзгаришлар ҳақида билиб оладилар. Улар шунингдек, Ўзбекистонда жойлашган йирик трансмиллий корпорациялар кўринишида давлатга жалб этилаётган халқаро сармоялар оқими, яъни глобаллашувнинг иқтисодий таъсири ҳақида билиб оладилар.

Мазкур «хабар» қўзғалиш нуқтаси бўлиб хизмат қилиши лозим – Ўзбекистонда ўзгаришлар юз бермоқда ва бу ўзгаришлар Ўзбекистон халқи ва ҳукумати учун ўзига хос имкониятлар ва ундовларни тақдим этмоқда. Модулни ушбу истиқболни ҳисобга олган ҳолда бошлаб, сиз ўқувчилар билан ўзаро алоқада бўлишингиз ва бугунги кундаги Ўзбекистондаги ҳаётга ва ишлашга нисбатан муносабатларини билишингиз мумкин.

Мазкур ёндашув модулни ўзлаштириш учун шароит яратади ва модулни ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларига мос ҳолатга келтирадиган учта ўқитиш мақсадини амалга оширади.

2-расм ушбу ёндашувнинг амалда қандай қўллаш келишини кўрсатади.



2-расм. Ўқитишга ёндашув

Мазкур ўқитиш мақсадларининг ҳар бирини амалга оширишда ўқувчиларнинг фаолиятлари Ўзбекистонда ҳукумат бевосита бизнес-ташкilotларга ва кундалик ҳаётга қандай таъсир этишини ўрганишга ва тушунишга йўналтирилган тадқиқотларда иштирок этишларига имкон берадиган ишга қаратилган бўлиши лозим. Фақат шундагина улар мустақил ўқувчилар бўлиб етишадилар. 3-расм бу каби тадқиқотларни ўтказишда қўллаш зарур бўлган баъзи асосий кўникмаларнинг шарҳини беради.



3-расм: Мустақил ўқиш кўникмалари


Ўқувчилар ўзларининг тадқиқотга оид фаолиятлари доирасида интернет сайтларни тадқиқ қилишлари лозим бўлади. Бу диққатни жамлашнинг юқори даражасини талаб этади. Излашнинг тегишли таянч атамаларидан фойдаланган ҳолда, уларга Интернетни қандай тадқиқ қилишни кўрсатинг.

Ўқувчиларнинг қуйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда, веб-сайтнинг ишончлилигини қандай баҳолашлари мумкинлигини билишлари ҳам муҳим:

- сайтга мулк ҳуқуқи;
- эҳтимолий субъективлик;
- экспертиза;
- ўринлилик;
- долзарб мазмун;
- ҳаволалар аниқлиги.

Ўқувчилар ўзларини самарали алоқаларга асосланган кўникмаларнинг янги тўплами билан таништирадиган тақдимотни тайёрлашлари ва тақдим этишлари лозим. Сиз ўқувчиларга самарали тақдимот билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳат беришингиз керак бўлади.

4-расм тақдимот слайдларини тайёрлашда ўқувчиларга тушунтиришингиз зарур бўлган бази мезонларни аниқлаб беради.



4-расм: Тақдимот слайдлари – энг яхши амалиётлар

Ўқувчилар кўпинча ўзларининг тадқиқотга оид фаолиятларининг натижаларини қайд этиш муаммосига дуч келадилар. Ўқувчиларга буни бажаришда ёрдам беришнинг усулларида бири – уларнинг тадқиқотлари натижаларининг турли жиҳатларини кўриб чиқишга йўналтирадиган оддий андоза(шаблон)лардан фойдаланиш.

Масалан, С ўқитиш мақсадларида ўқувчилар

PESTLE (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, ҳуқуқий, экологик) таҳлилни бажаришлари лозим.

5-расм миллий омилларга нисбатан PESTLE таҳлилнинг натижаларини ёзиб бориш учун ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган андозага мисол келтиради.

Ўзбекистонга миллий омилларнинг таъсири			
	Ижобий таъсир	Қийинчиликлар / Ундовлар	Оқибатлар
Сиёсий			
Иқтисодий			
Ижтимоий			
Технологик			
ҳуқуқий			
Экологик			

5-расм: PESTLE таҳлил учун андоза намунаси

Таклиф этилган спикерлар ва давлат ташкилотларига ташриф – бу ўқувчиларга тадқиқотлар реал дунёда қандай қўлланилишини кўрсатишнинг яхши усули. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ва марказий ҳукумат вазирликларида ишлайдиган инсонлар ўқувчилар билан учрашувга таклиф этилишлари мумкин. Маҳаллий бизнесдан, хусусий секторда ишлайдиган спикерни таклиф этиш тўғрисида ўйлаб кўринг.

Спикерларни машғулотларга таклиф этишда ўқувчи яхши тайёргарлик кўрган бўлишлари муҳим. Ўқувчилар учун буни таъминлашнинг самарали усули – спикернинг ташрифига қадар саволлар тўпламини тайёрлаб қўйишдир. Кейин сиз саволларнинг сифатини текширишингиз ва уларни алоҳида ўқувчиларга тақсимлаб беришингиз мумкин.

Саволлар учта тоифага бўлиниши лозим:

- спикер ишлайдиган муайян ташкилотнинг функциялари билан боғлиқ саволлар;
- компаниянинг ташкилий тузилмасига – унинг бўлимларига ва ҳар бир функцияси билан боғлиқ бўлган лавозимга оид ролларига эътибор қаратадиган саволлар;
- таклиф этилган спикернинг мажбуриятлари ва ушбу мажбуриятларларни бажариш учун зарур бўлган ишчи кўникмалар билан боғлиқ саволлар.

Баҳолаш модели

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий соҳалари	Баҳолашга тавсия этилган ёндашув
А Ўзбекистонда давлат ва хусусий секторнинг ўрни ва хусусиятларини ўрганиш	А1 Давлат бошқарувининг ўрни ва аҳамияти А2 Тадбиркорлик фаолияти мақсади	Давлат ва хусусий секторлар ўртасидаги фарқни ва хусусий секторда ишга оид фаолликни илгари суришда тадбиркорнинг муҳимлигини тушунтирадиган доклад ёзувлари мавжуд бўлган тақдимот тайёрланг.
В Давлат сектори ташкилотларининг Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий устувор вазибаларини амалга оширишда қандай қўллаб-қувватлашни ўрганиш	В1 Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги устувор вазибалар В2 Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий таъминотда давлат сектори органларининг ҳиссаси	Ўзбекистон иқтисодиётининг муайян секторининг иқтисодий фойдалари ва мазкур секторнинг ривожланишини қўллаб-қувватлашда давлат секторининг роли тўғрисида доклад ёзинг.
С Миллий ва халқаро омилларнинг Ўзбекистондаги давлат сектори ташкилотлари фаолиятига қандай таъсир қилишини тадқиқ қилиш	С1 Миллий таъсирлар С2 Халқаро таъсир С3 Ўзбекистонда давлат сектори органлари дуч келадиган муаммолар	Ўзбекистондаги давлат бошқаруви ташкилотларининг фаолиятига таъсир этадиган жорий омилларни аниқлаш учун PESTLE таҳлилининг ўтказинг.

Баҳолаш бўйича қўлланма

Модулнинг спецификациясида баҳолашга нисбатан тавсия этиладиган ёндашув ҳар бир ўқувчидан муайян шароитларда бир қатор турли кўникмаларни намойиш этишни талаб этадиган учта баҳолаш усулини аниқлаб беради:

- тақдимот;
- доклад;
- бизнес-восита.

А ўқитиш мақсади: 1-Топшириқ

А ўқитиш мақсади ўқувчилардан тадбиркорлик фаолиятининг мақсадларини ва тадбиркорнинг ролини ўрганиш орқали давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги фарқни ҳисобга олишларини талаб этади. Улар уни тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, ўқитувчиларнинг тақдимотлари тўғрисида эслатмалар қилиш ва ўқитувчи раҳбарлигида синфда муҳокама ўтказиш орқали ўрганадилар.

А ўқитиш мақсадларини ўрганишда ўқувчилар давлат сектори ва хусусий сектор ташкилотларининг роллари ҳамда вазифаларини солиштирадидилар ва қиёслайдилар. Улар тадбиркорлик фаолиятининг мақсадини ва мазкур фаолиятни қўллаб-қувватлашда тадбиркорнинг аҳамиятини тадқиқ этадилар. Шу билан бирга, ўқувчилар тадбиркорнинг баъзи муҳим ўзига хосликлари ва хусусиятларини аниқлашлари ва ўзлари учун белгилаб олишлари мумкин бўлади.

Ўқувчилар спикернинг тақдимотини ва илова қилинувчи қайдларини тайёрлашлари ва тақдим этишлари лозим. Уларга компьютерларга ва тақдимотга оид тегишли дастурий таъминотга рухсат талаб этилади.

Тақдимот синфнинг қолган қисмига тақдим этилиши лозим, бу эса проекцион экрандан фойдаланишни талаб этади. Сиз тақдимотдаги слайдларнинг миқдорини чеклашингиз лозим (одатда олтита слайд етарли бўлади).

Тақдимот асосидаги саволларни беришга ундаш орқали бошқа ўқувчиларни ҳам жалб этиш имкониятини кўриб чиқинг. Бу ўқувчининг билимини ва дарсни тушунишини баҳолашнинг яхши усули ҳисобланади. Мазкур фаолиятни баҳолаш усулингиз тақдимотнинг сифатини, спикернинг қайдларини ва саволларга берилган жавобларни ҳисобга олиши лозим.

В ўқитиш мақсади: 2-Топшириқ

В ўқитиш мақсади ўқувчилардан қандай қилиб давлат сектори ҳукуматнинг иқтисодий ва ижтимоий устунликларини қўллаб-қувватлаши мумкинлигини ўрганишни талаб этади. Бошқа ўқитиш мақсадларида бўлгани каби ўқувчилар ўзларининг билим ва тушунчаларини қўллашлари лозим бўлади ва улар ўқувчилар томонидан расмий баҳолаш-ҳисобот ёзиш йўли билан 2-топшириқда намойиш этилади.

Бу сиздан расмий бизнес-ҳисоботнинг хусусиятларини ва макетини тушунтиришни талаб этади. Сиз қуйидаги тузилмани тақдим этишингиз лозим:

- баённомалар – муаллиф; номи; сана
- кириш – докладнинг мақсадлари
- докладнинг хулосаси – докладда ифодаланган, асосий масалаларни акс эттирувчи баёнот
- жорий этишда аниқланган, ҳар бир мақсадни қамраб оладиган муайян бўлимлар
- хулосалар
- тавсиялар

С ўқитиш мақсади: 3-Топшириқ

С ўқитиш мақсади ўқувчилардан Ўзбекистонда акс этадиган миллий ва халқаро таъсирларни аниқлаш учун PESTLE таҳлилни ўтказишни, кейин эса давлат ташкилотлари учун эҳтимолий оқибатларини кўриб чиқишни талаб этади.

Ўқувчилар учун муаммо шундан иборатки, ушбу оқибатлардан баъзилари учун тўғри ечим мавжуд бўлмаслиги мумкин, чунки баҳолаш келажакни тахмин қилишни талаб этади. Бу ҳолатда маълумотларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва баҳолаш каби юқоридаги даражадаги кўникмалардан фойдаланиш талаб этилади.

Ўқувчиларни баҳолашингиз PESTLE таҳлилнинг ҳар хил нуқтаи назарларидан олинган таъсирни идентификация қилиш усулларига асосланган бўлади – яъни бир ўқувчи учун тўсиқ ҳисобланган нарса бошқа ўқувчи учун ундов бўлиб хизмат қилиши мумкин, бироқ уларнинг таҳлилинини сифатига асосланган ҳолда, иккиси ҳам энг юқори баҳони олиши мумкин.

6-расм PESTLE таҳлилини ўтказиш вақтида ўқувчилар риоя этишлари лозим бўлган жараённи кўрсатади.



6-расм: PESTLE услубиёти

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

1-Модул: Ўзбекистонда давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар

Кириш

Ўқувчилар Ўзбекистондаги давлат бошқарувининг хусусиятлари тўғрисида баъзи тасавурларга эга бўладилар. Улар давлат мактабларида ўқийдилар, жамоат транспортларидан фойдаланадилар ва давлат касалхоналари ҳамда тиббий марказларда даволанадилар. Модулни улардан давлат хизматларидан қандай фойдаланишларини ва нима мақсадда фойдаланишларини сўрашдан бошланг. Уларнинг оила аъзолари давлат секторидаги ташкилотлардан қандай фойдаланишларини сўраш орқали саволни кенгайтиринг. Бу ўқувчиларга қуйидагиларни тушунтириш учун қўзғалиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади:

- модулнинг ўқитиш мақсадлари;
- улар қандай баҳоланадилар;
- улар бажарадиган фаолият турлари;
- мустақил ўқиш хусусиятлари.

1-Модул: Ўзбекистонда давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар

А ўқитиш мақсади – Ўзбекистонда давлат ва хусусий секторнинг ўрнива хусусиятларини ўрганиш

А ўқитиш мақсадини жорий этишда ўқувчилар балки биринчи бор мустақил ишга дуч келдилар. Ўқувчилар ўрганишлари ва намойиш этишлари лозим бўлган кўникмалар тўплами билан танишиш учун яна бир бор мазкур йўриқноманинг «дарсга нисбатан ёндашув» бўлимига қаранг. Ўқитишга нисбатан бўлган мазкур ёндашув ўқувчиларга мураккаб бўлиб туюлиши мумкин ва сиз уларга ўзларининг биринчи тадқиқотларини ўтказишларига ёрдам беришингиз керак бўлади.

- 3-расм «Ўқитишнинг мустақил кўникмалари»да кўрсатилган кўникмаларни амалда қандай қўллашни кўрсатиш учун биринчи тадқиқотни ўқувчилар билан биргаликда амалга ошириш фойдали бўлган бўлар эди.
- Ўқувчилар ўз тадқиқот доираларида веб-сайтларни тадқиқ қилишлари лозим бўлади. Бу тиришқоқликни талаб этади, сиз излашнинг тегишли таянч атамаларидан фойдаланиб, ўқувчиларга Интернетдаги тадқиқотни қандай амалга оширишни кўрсатишингиз керак бўлади.

В ўқитиш мақсади – Давлат сектори ташкилотлари Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий устувор вазифаларини амалга оширишда қандай қўллаб-қувватлашни ўрганиш

В ўқитиш мақсади Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий устунликларини ўрганишга йўналтирилган. Ўқувчилардан ўзларининг яқин келажақдаги шахсий мақсадлари қандай эканини ва улар катта бўлганлари сайин бу мақсадлар қандай ўзгариши мумкинлигини сўраш билан модулни бошлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Буни бажаришнинг яхши усули – ўқувчиларни синфдаги муҳокамага жалб этиш. Катта эҳтимол билан, улар ўртасида ҳаётларида яхши иш, яхши даромад, яхши маълумот ва яшаш жойи бўлиши тўғрисидаги фикрлар уйғунлашувига эришилади – буларнинг барчасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида топиш мумкин. Бу мақсадларга Ўзбекистонда қандай эришиш мумкинлиги энг муҳим омил ҳисобланади.

- Тадқиқотга оид фаолият мазкур ўқитиш мақсадида олинган билимларнинг асосини ташкил этади. Ушбу тадқиқотни ўтказишнинг фойдали усули шундан иборатки, бунда ўқувчилар жуфтликларда ёки кичикроқ гуруҳларда иш олиб бордилар, шундай экан муайян тадқиқот тадбирлари алоҳида ўқувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлади. Бу ўқувчиларга лидерлик ва жамоавий фаолият каби ишлар билан боғлиқ бўлган кўникмаларни ривожлантириш имкониятини беради.

1-Модул: Ўзбекистонда давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар

- Сиз давлат мақсадлари кўпинча мавжуд ресурсларга асосланган танловлар ва сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлишини билишингиз керак бўлади. Мазкур ўқитиш мақсадида ўқувчилар баҳоланиши лозим бўлган мантиқий кетма-кетликдаги далилларни шакллантириш имконини берадиган кўникмаларни ривожлантиришлари лозим. Улар, агар имкони бўлса, тақдимотга оид тегишли дастурий таъминотдан фойдаланиб, тақдимотдаги ўзларнинг далилларини шакллантиришга қодир бўлишлари лозим.
- Мазкур жамоа аъзолардаги сизнинг ролингиз шундан иборатки, бунда сиз спикернинг қайдларига иловалар билан бирга слайдлар тақдимотини тайёрлашнинг турли усулларини тақдим этиш орқали ўқувчиларни йўналтиришингиз керак бўлади.

С ўқитиш мақсади – Миллий ва халқаро омилларнинг Ўзбекистондаги давлат сектори ташкилотлари фаолиятига қандай таъсир қилишини тадқиқ қилиш

Ишнинг мазкур босқичига келиб ўқувчилар гуруҳи ўзига ишонган, мустақил, мантиқий кетма-кетликдаги хулосани шакллантириш ва тақдим этиш мақсадида мазкур мавзунини тадқиқ қилиш учун ўзлаштирилган кўникмалардан фойдаланишга қодир бўлишлари лозим. С ўқитиш мақсади ушбу кўникмаларга асосланади ва глобаллашув концепциясини жорий этиш йўли билан ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради.

- Сиз ўқувчиларни глобаллашувнинг хусусиятлари билан таништирасиз, бунда сиз ушбу хусусиятларни аниқлаш учун агар уларнинг шахсий кундалик тажрибаларидан фойдалансангиз мақсадга мувофиқ бўлади.
- Уларнинг яқинда амалга оширган харидлари, хориж сафарлари тажрибалари (ёки уларнинг оила аъзолари тажрибалари), агар пуллари бўлганда қандай маҳсулотларни сотиб олишни истаган бўлишлари ҳақидаги саволларни беришдан бошланг ва Ўзбекистон фаолият юритадиган қандайдир хориж компаниясини билишларини суриштиринг.
- Ўзбекистонга таъсир этаётган маҳаллий ва халқаро омилларни ўқувчиларнинг тасаввурларида шакллантириш учун уларнинг шахсий тажрибаларидан фойдаланинг. Бунда сиз бу каби таҳлиллар томонидан қамраб олинувчи муайян омилларнинг ижобий ва салбий таъсирларини аниқлашнинг усули сифатида ўқувчиларни PESTLE таҳлили билан таништиришингиз мумкин.
- *PESTLE таҳлили учун андоза намунаси бўлган 5-расм* PESTLE таҳлилинини ўтказишда ўқувчилар томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган андоза намунасини ўзида акс эттиради.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларига бўлган ҳаволалар

Мазкур модул дастурнинг бошқа барча модуллари асосида ётадиган базавий билим ва кўникмаларни таклиф этади.

Ресурслар

Глобаллашув

www.youtube.com

Мазкур веб-сайт глобаллашувнинг хусусиятларини, жумладан унинг устунлик ва камчиликларини, шунингдек Трансмиллий корпорацияларнинг (ТК) хусусиятларини тушунтириш учун фойдали бўлган кўплаб қисқа видеороликларни ўз ичига олади.

Мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

www.youtube.com/watch?v=JJ0nFD19eT8&t=143s

Глобаллашув тушунчасини тушунтириш.

www.youtube.com/watch?v=i-eHj6bVU8w

Глобаллашувнинг устунлик ва камчиликлари.

www.youtube.com/watch?v=OGg9K1wymWk

Трансмиллий корпорацияларнинг хусусиятлари.

www.tutor2u.net/business/reference/impact-of-multinational-companies-mncs-on-their-host-countries

MNCs нинг қабул қилувчи мамлакатларга таъсири.

PESTLE таҳлиллар

www.youtube.com/watch?v=sP2sDw5waEU

PESTLE таҳлилларни ташкил этадиган омилларнинг тақдим этилиши.

www.iso9001help.co.uk

Таҳлилни амалга ошириш учун зарур омиллар рўйхати мавжуд бўлган PESTLE таҳлилининг андозаси.

Ўзбекистон Ҳукумати

Ҳукумат веб-сайтлари давлат сектори ташкилотларининг роллари, вазибалари ва мажбуриятлари тўғрисидаги катта ҳажмдаги маълумотни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти мавжуд. Барча вазирлик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг сайтларига эгалар. Мазкур барча сайтлар мавзуга оид саҳифаларга фойдали ҳаволаларни қамраб оладилар.

<https://president.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти

<https://gov.uz>

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали

Жаҳон банки

Жаҳон банкининг веб-сайтида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши тўғрисида кенг долзарб маълумот жойлаштирилган.

www.worldbank.org/en/country/uzbekistan

Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	Ўзбекистонда давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	30
Дарслар давомийлиги	2 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	Қолган барча модуллар

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Давлат бошқаруви мақсади (Мақсад А: Мавзу А1)	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек жуфтлик ва индивидуал машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: мавзунинг шарҳлаш орқали модулнинг тақдим этилиши. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: нотижорат ва хусусий ташкилотларнинг умумий хусусиятлари. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: синфдаги муҳокамаларнинг натижаларини ва ўқитишнинг асосий элементларини ёзинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. 	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тақдимот слайдлари 1 ва 2. Шаблон 1. Машқлар учун тарқатма материал 1.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Якун: ўқитувчи дарсда ўтилган асосий маълумотни мустаҳкамлайди. 	
2	<p>Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тавсифлари</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А1)</p>	<p>Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек жуфтлик ва яккаликдаги машқлар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи ва дарсни тушунганликларини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан асосида ҳамда жавоблар сессияси • Мустақил бажариш учун машқ: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тавсифларининг ва давлат сектори кўламининг интернет-тадқиқоти. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар ўз тадқиқотларининг натижаларини тасдиқлайдилар ва натижаларни синфда бўлиши мумкин бўлган флипчартга ёзиб борадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: ўқувчилар томонидан ўтказилган тадқиқотларни бир бутун қилиб тўплаш ва Ўзбекистоннинг асосий ижтимоий-иқтисодий тавсифлари хулосасини тақдим этиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Яқуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Ўзбекистоннинг ўқитувчи томонидан тайёрланган техник паспорти ва хариталари.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Тақдимот слайдлари 3.</p> <p>Шаблон 2.</p> <p>1 ва 2 машқлар учун тарқатма материал</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Ишга оид фаоллик (Мақсад А: мавзу А2)	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек жуфтлик ва яккаликдаги машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: хусусий секторда ишга оид фаоллик қай тариқа юз беришининг шарҳи. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: хусусий сектор ташкилотларининг мавзуга оид тадқиқотлари. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар. Доска ва ручкалар. Флипчартлар ва фломастерлар. Тақдимот слайдлари 4. Шаблон 3.
4	Рақобат бозори қандай фаолият юритмоқда (Мақсад А: Мавзу А2)	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи ва дарсни тушунганликларини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан асосида ҳамда жавоблар сессияси. • Мустақил бажариш учун машқ: 3-дарсда бажарилган кейс-стади тадқиқотларининг тақдимоти. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: рақобат бозорининг асосий хусусиятлари. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўзбекистонда рақобат бозорининг фаолият юритиши мисолини тадқиқ қилиш. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йилнинг турли фаслларидаги нархлари. 	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар. Доска ва ручкалар. Флипчартлар ва фломастерлар. Тақдимот слайдлари 5. Шакл шаблони 4. 5-машқ учун тарқатма материал.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	
5	<p>Хусусий сектордаги тадбиркорларнинг роллари</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А2)</p>	<p>Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил машқлар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: хусусий сектордаги тадбиркорларнинг роллари. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича тадқиқотлар ўтказадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: кейинги дарс (6-дарс) форматини тушунтириш; таклиф этилган спикер ва у фаолият юритадиган ташкилотнинг ихтисослиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар спикерга беришлари керак бўлган саволлар рўйхатини тузадилар (кейинги дарсда). • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Мустақил бажариш учун машқ: кейинги дарсда иштирок этадиган, таклиф этилган спикер фаолият 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Тақдимот слайдлари 6.</p> <p>Шакл шаблони 5.</p> <p>5- ва 6- машқлар учун тарқатма материал</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			юритадиган давлат сектори ташкилотини қўшимча тадқиқ қилиш.	
6	<p>Ҳукуматнинг роли ва унинг хусусий сектор билан алоқаси</p> <p>(Мақсад А: Мавзу А2)</p>	Ўқитувчи бошчилигидаги ТС, шунингдек ўқувчилар учун мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: меҳмонни қарши олинг ва синф билан таништиринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар давлат мансабдор шахсларининг роллари ва маъсулиятлари тўғрисидаги олдиндан тайёрлаган саволларини берадилар; ўқувчилар спикернинг жавоблари бўйича эслатмалар қиладилар. • Ўқувчиларнинг мустақил тадқиқотлари: ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун алоҳида вазирликни танлаб оласиз, бунда улар мазкур вазирликнинг маъсулияти соҳасига тегишли бўлган тадқиқотни ўтказишлари лозим бўлади. • Ўқитувчи тақдими: Топшириқ 1 Баҳолаш учун Иш дафтарини тақдим этинг ва ҳар икки топшириқларнинг талабларига ойдинлик киритинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар Баҳоловчи Топшириқ 1 ни бажаришни бошлайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Уйга вазифаси: баҳолаш учун Иш дафтари бўйича Топшириқ 1 1-қисм Буклетни тайёрлаш ва 2-қисм Тақдимотни тайёрлаш. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Ўқувчилар томонидан тайёрланган саволлар. Амалий баҳоловчи 1-машқ</p> <p>(Ўқитувчи томонидан тайёрланган). 6- ва 7-машқлар учун тарқатма материаллар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Баҳолаш 1 (А ўқитиш мақсади)	Ўқувчилар учун мустақил иш. ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчиларнинг яқка тартибдаги тақдимотларга тайёр эканларига ишонч ҳосил қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчиларнинг тадқиқотлари. (Эслатма: ўқувчиларнинг сонидан келиб чиқиб, ўқитувчи жараёни унда ўқувчилар ўз тақдимотларининг фақат бир қисмини тақдим этадиган тарзда ташкил этиши мумкин бўлади). • Ўқувчилар ўзларининг буклетларини, тақдимотлари слайдларини ва спикернинг қайдларини тақдим этадилар. • Яқуний сессия: синф тақдимотлари тўғрисида умумий тақризлар. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Баҳолаш иши 1 Маълумот варағи.</p> <p>Баҳоловчи, қайд этиладиган ҳужжатлар тўплами.</p> <p>Қайд этиладиган ҳужжатлар тўпламини ички текшириш.</p>
8	Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодий ва ижтимоий мақсадлари (Мақсад В: Мавзу В1)	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: асосий вазиятларни жамлаган ҳолда В ўқитиш мақсадини шарҳланг. • Мавзуни тушунилганини тасдиқлаш учун саволлар ва жавоблар сессияси. • Мустақил бажариш учун машқ: тадқиқотларни иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар ўртасида тақсимлаш. • Ўқитувчи тақдимоти: Ўзбекистонда ҳукуматни ривожланишининг жорий стратегияси шарҳи. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Тақдимот слайдлари 8. 9 ва 10 машқлар учун тарқатма материал.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Билимларни текшириш: шу вақтгача олинган билимларни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи томонидан тайёрланган тест саволлари. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	
9	Ҳаракатлар стратегиясининг таъсири 1-қисм (Мақсад В: Мавзу В1)	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўзбекистон ҳукуматининг жорий Ҳаракатлар стратегияси. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ҳаракатлар стратегияси ёрдамида қандай қилиб иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга эришилиши мумкин. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар. Доска ва ручкалар. Флипчартлар ва фломастерлар. 11-машқ учун тарқатма материал.
10	Ҳаракатлар стратегиясининг таъсири 2-қисм (Мақсад В: Мавзу В1)	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи ва мавзуни тушунганларини тасдиқлаш учун ўқувчилар томонидан саволлар ва жавоблар сессияси. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар Ҳаракатлар стратегиясининг муайян соҳалари бўйича асосий иқтисодий маълумотларни тўплайдилар. 	Модул спецификацияси. Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда бугунги кунда эришилган ўсишни кўриб чиқадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	<p>Флипчартлар ва фломастерлар.</p> <p>Такдимот слайдлари 9.</p> <p>12-машқ учун тарқатма материал.</p>
11	<p>Ҳисоботларни тузиш ва амалиёт</p> <p>(Мақсад В: Мавзу В1)</p>	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: бизнес-ҳисоботларнинг мақсади. • Ўқитувчи тақдими: ҳисоботни тузиш ва мувофиқлаштириш. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўқитувчи томонидан тақдим этилган оддий мавзу бўйича бизнес-ҳисобот тузадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар ва таянч атамалар глоссарийсини янгилайдилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p>
12	<p>Асосий вазирликларнинг функциялари</p> <p>(Мақсад В: Мавзу В2)</p>	Ўқувчилар учун ўқитувчининг раҳбарлигида, шунингдек мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Мустақил бажариш учун машқ: вазирлик ташкилотларнинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади ва муайян сектордаги фаолиятни қандай бошқаради. 	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти бор компьютерлар.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: давлат секторининг лойиҳаларига мисоллар ва Ўзбекистоннинг Ҳаракатлар стратегиясига ҳаволалар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Уйга берилган машқ: ўқувчилар вазирликка ташриф буюриш учун саволлар тўпламини тайёрлайдилар. 	Флипчартлар ва фломастерлар. Тақдимот слайдлари 11. 14 ва 15-машқлар учун тарқатма материаллар.
13	Ҳукумат тузилмаси (Мақсад В: Мавзу В2)	Ташриф, шунингдек ўқувчилар учун мустақил машқлар	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. • Вазирлик ёки маҳаллий ҳокимият органларига ташриф: ўқувчилар мақсадли саволларни берадилар ва қайдларни бажарадилар. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар эслатмалар қиладилар. • Якуний сессия: ўқитувчи ўтилган дарс бўйича асосий билимларни мустаҳкамлайди. • Уйга берилган машқ: ўқувчилар вазирликда аниқланган иш роллари ва мажбуриятларни солиштирадилар. 	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. 16-машқ учун тарқатма материал.
14	Иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни	Ўқувчилар учун ўқитувчининг	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Вазирликка ташриф тўғрисида тақризлар. 	Модул спецификацияси.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
